

# КЎЗГУ ОЛДИДА

Бозор Собир

# Кӯзгу Олдида

## Бозор Собир

Шеър хақида тожик шоири Бозор Собир шундай деб ёзади:”Адабиёт адаб калимасидан олинган бўлиб ҳулқ-атвор, таълим-тарбия ва панд-насиҳатни билдиради. Шунинг учун панд насиҳат қилиш адабиётнинг иши, аммо шеъру шоирликнинг иши эмас. Шеър калимасининг илдизи шуур бўлиб, ақл-фаросат, идрок, завқ ва зеҳну андиша маъносини билдиради”;

”Шеър мўъжиза ҳам, сеҳру жоду ҳам эмас. Одам барча нарсани ўрганиши мумкин, ишқдан бўлак. Бирор шоир шеър ёзишни бутунлай ўргандим деб айта олмайди.

Бугун ғазаллар завқ бермайди, худди музей экспонатларига ўхшаб. Улуғлар ихтироси бўлмиш абрў камон, зулфи сунбул, сарви равон, сарви чаман каби ташбеҳлар билан машуқага хушомад қилган одам примитив ҳисобланади. Чунки эстетик дид ўзгариб кетган. Классиклар қолдирган мерос билан биргаликда жахон шеърияти бизнинг ихтиёримиздадир. Шунинг учун ақаллан тоза ибора ва ёки янги ташбех топиб шеъриятда янгилик қилишимиз керак”. (“Шоиру шеъре агар ҳаст”,  Душанбе, “Адиб”- 2006).

Устоз Бозор Собирнинг турли йилларда яратилган   шеърларида тожик миллатининг орзу армонлари ўз аксини топган (Тожикистонлик шоир Ҳасан Ғойибнинг мақоласидан).

Бозор Собир

ШЕЪРЛАР

Бозор Собир 1938 йилнинг 20 ноябрида Файзобод ноҳиясининг Сўфиён қишлоғида туғилган. Абу Абдуллоҳ Рўдакий номидаги давлат мукофоти совриндори, Тожикистон халқ шоири.  Тожикистон давлат Университетининг тарих-филология факултетида таҳсил олган. «Маданият ва маориф», «Садои Шарқ» журналларида назм бўлими бошлиғи, Ёзувчилар Иттифоқи назм бўлими маслаҳатчиси вазифаларида ишлаган. 1990 йилда Тожикистон Олий Совети депутатлигига сайланган.

«Пайванд» (1972), «Оташбарг» (1974), «Гули хор»(1978), «Офтобниҳол» (1982), «Симхор»(1995), «Аз «Гули хор» то «Симхор» (1997), «Хуни қалам» (2010) каби китоблари чоп этилган. Бир ыатор тилларда китоблари нашр этилган. Байрон, П. Неруда, А.  Рембо, Г. Апполинер, А. Фет, С.Есенин, Э. Межелайтес каби жаҳоннинг машҳур шоирларининг шеърларини тожик тилига таржима қилган.

Бозор Собир  шўролар иттифоқи даврида ёзган айрим асарларида  ўзбек тарихига нисбатан   ҳақиқатга зид қарашларни билдирган бўлса, кейинги йилларда баъзи исломий

ақидаларни рад этган, исломни қурол қилган диний раҳбарларга тегишли кескин муносабати акс этган, жумладан, Тожикистонда рўй берган фуқаролик урушида руҳонийлар асосий сабабчи бўлгани, айни шу сабабдан Тожикистон Ислом уйғониши партиясини таъқиқлаш ҳақидаги фикрларини ҳам ошкор қилган.

1996 йилдан бошлаб АҚШда яшайди. Биринчи марта 2013, иккинчи марба 2016 йили ватанига келади ва яна Америкага қайтади.

## ЗАМИН

Азиз замин!

Эшитмоқдасан;

Бешик ғижирию

Бола сасини —

Булар келаётир менинг уйимдан.

Келажак одамин кўриб турибсан:

Мана ўша одам

Мана

Етур менинг қучоқларимда.

Ҳали суяклари қотмаган унинг,

Ҳаракат,

Ғимирлаш,

Бидирлаш,

Бир парча кулгию йиғидир бори.

Сутнинг майин ҳиди келади уйдан

Кечаю кундуз.

Қўшиқ ва умидга бўлар бошпана

Энди уйимиз.

Менинг ўзимда ҳам қанча ўзгариш.

Деворларга боқиб ундан гўёки

Недир сўрайман.

Албатта сўрайман нимадир…

Унга оқ фотиҳа берингиз, дейман,

Сўрайман дўстдан ҳам, бегонадан ҳам,

Номлари оламга кетганлардан ҳам,

Бутун дунёдан

Дилбандим олинг деб қучоғингизга,

Сиздан ҳам сўрайман яшил тепалар,

Қайноқ биёбонлар, сўрайман сиздан.

Сиздан ҳам сўрайман сокин чўққилар.

Эшитилмай қолса агар овозим —

Дарада гувиллаб турган шаршара

Менинг қўшиғимни

Куйласин унга…

Қирлар, экинзорлар,

Қушлару йўллар,

Қадрдон қишлоғу шаҳар боғлари,

Ёлғизимни сизга топширмоқдаман.

Шу лаҳза кўксидан

Майли қуш каби

Бирга парвоз қилсин қўшиқ ва йиғи,

Майли ўз ерида камол топсин у,

Она замин, унга фароғат тила.

Маъруф Жалил таржимаси

## ТОЖИКИСТОН

Тожикистон, Тожикистон,

Қайга борсам ҳар замон,

Чегарангга етгунимча,

Ўзга юртга кетгунимча,

Баримни қоқибон қўяман қадам,

То хокинг бўлмасин бирор зарра кам,

Баримда кетмасин бирор зарра ҳам.

Қайда сув кўрсам агар,

Қайда биллурдек булоқларнинг лабин сўрсам агар,

Кўзима илдим унинг бир қатрасин,

Кўринарди гоҳ Зарафшон, гоҳи Вахш,

Хуш эрур этсам агар бир қатра бахш.

Ўлкалардан ўтганимда,

Йўл ғуборин ютганимда,

Қўндирардим ҳар замон киприк учига заррасин,

Токи, сенга туҳфа этсам,

То кўлайсин зарраларнинг карраси.

Қайда тош кўрсам агар,

Мен силардим ўзга юртнинг тошини,

Силагандек худди фарзанд бошини,

Ўзими дердим, уни

Келтиришгандир Бадахшон бўйидан,

Юлқиб олгандек гўдакни мушфиқ она қўйнидан.

Ҳар қаён қилсам сафар,

Ёдладим ҳар битта йўлни бир ғазалдек беғалат,

Хатма-хат,

Бошласин токи сўроғингга мени,

Беозор элтсин кучоғингга мени…

Қайда бўлсам, бўлмасам,

Мен ўшал деҳқон болангман.

Ғам чекарман тоғларингдан битта тошинг кўчса гар,

Ғам чекарман бир гиёҳинг баргидан ранг ўчса гар,

Резги нонингни ютарман бўлса гар нонинг бутун,

Сув ичарман бўлса гар дарё кўли ҳаддан узун.

Бир нафас қолсам агар ёлғиз бўлур тоғинг макон,

Токи, тошга бош қўйиб роҳатланиб олсам бир он,

Токи, дарё куйига этсин мени ҳам ҳамзабон,

Токи, йиғлатсин шалола ноласи зор-зор мени,

Токи, ёмғир айлабон куйсин булут бир бор мени,

Токи, ёлғиз қолмайин ёлғизлигимда ҳеч қачон.

Тожикистон, Тожикистон,

Борлиғингга бир эмас, минг қатла шукр,

Ҳарна тегса менга бас, минг қатла шукр,

Менга сарват бер демайман,

Менга савлат бер демайман,

Она юртимсан,

Кифоя яшнасам бағрим тўлиб,

Не саодатдир яшаш хору хасингга тенг бўлиб.

Жонибек Қувноқ таржимаси

## АЙНИЙ ҲАЙКАЛИ

Халқнинг жону танидин ул кўтарди қоматин,

Анинг ҳайкалига жисм бўлди-ю, бўлди бедор тоғ.

Ҳайкал бирла юзма-юз, ҳайратдамиз боққан сайин,

Айний тимсолида бўлди халқ учун минбар тоғ.

Ҳайкал-ку, бу — маърифат, ақлу заковат ҳукмидир,

Тошда шавкат, шонни кўр-у, бунда тош туғённи кўр.

Ким унга термулса гар Фирдавсни кўргандек бўлур,

Гўёки келбатли Рустам Рахш узра ўлтирур.

Дохундалар давлатин дилда мужассам айлаган,

Неки бор халқи тилида, қалбида ҳам бошида.

Мен хаёл этмоқдаман: ким эл учун бўлса фидо,

Ўз эли кафтидадур… Таъзимдадур халқ қошида.

Халқ ғамида умрини сарф этди Айний хомага,

Чун унинг ҳар бир асари тенг шаҳодатномага.

Ҳар асарда акс этар сарманзилимиз, тонгимиз,

Ул китоблар нурида ёйилди қутлуғ номимиз.

Гарчи Айнийгача ҳам сўз дарёси сероб эди,

Ташна халққа бир анинг шохоби ҳам ноёб эди.

Вахш, Зарафшон бўйида эллар яшар эрди ва лек

Қатра сувга зор эди, чунки замон гирдоб эди.

Ёш келар кўзимга қайнаб, Панжрудда не чоқ,

Рудакий номидан ҳам ном бормиди гумдонроқ?!
Титса фаранглар Сомоний аҳлидан ноёб асар,
Излагандай эрди ўғрилар Бухоро ичра зар.

Тожик элин бирма-бир дур доналардек топди у,
Эски қўлёзма каби вайроналардан топди у.
Тожикистон ҳамда ҳар тожик анинг ашъоридир,
Халқининг бедорлигидан тунлар у бедордир.

Рудакий шеър бобида якто эди, зийрак, закий,
Аммо Айний меҳри-ла оламни кезди Рудакий.
Табобат дунёси ичра бўлса ҳам Сино чақин,
Айний ҳиммат ҳикмати этди ани халққа яқин.

Гарчи шоир аҳлига хақ сўзни етказган эди,
Гавҳар шаклида тизиб у халққа тутқазган эди.
Оламга келтиргай мардум зукко фарзонани,
Айний фарзоналигин халқига ўтказган эди.

Шукрким, тоғ парчаси жисмига жисм бўлди анинг,
Қоматини тик тутар, гўё у давр сурмоқдадир.
Тожик халқин пиридир, нуроний чол ҳолида у
Тожикистоннинг мадори-ла жавон турмоқдадир.

Бу маконда биз яшармиз, биз яшармиз тоабад,

Тоабад келмасин дуч ҳайкал маломат тошига.

Йил ўтар, йиллар ўтар, ўтмоғидин не ваҳм?

Бош эгишни канда қилмас вақт ҳайкал қошида.

## МАКТУБЛАР

Сенинг мактубларингни

Учирдим ҳавога қушлар мисоли,

Токи баҳорги булутдек тўлиб,

Ёғсин улар кўкдан қуйилиб.

Булут тепаликлар узра йиғласин,

Йиғласин чашмаю дарёлар узра,

Менинг ҳайрон ҳолим бўлиб йиғласин.

Шамолларга кеча мен узоқ

Сен ҳақингда қилдим ҳикоя.

Хотиралар тилга кирган чоқ,

Мисралар — сел, билмас ниҳоя.

Ҳикоямни сўзласин саҳроларга шамоллар,

Ҳикоямни сўзласин дарёларга шамоллар.

Майдалаган ёмғир остида

Бутун кеча ўй суриб юрдим.

Сочларингга ўхшатдим жуда,

Томчиларни аста силадим.

Лабларингда қолмаган бўса изларин

Йўл ёқаларига,

Ариқ бўйларига

Экиб бордим юрган еримда.

Токи, қадам босган жойларим —

Йўл ёқаларида,

Ариқ бўйларида

Гулласин бўсалар қоқигуллардек,

Ҳид таратсин ялпизлар янглиғ.

Шу кеча тўхтамай ёмир қуйилди,

Дарё тошди ўзанга сиғмай.

Шу кеча менда ёлғизлик кечди,

Ёлғизликка турардим сиғмай.

Кеча ёққан булутлар чунон

Яшнатиб юборди заминни.

Изларингдан қолмади нишон,

Ювди менинг қалбдан ғамимни.

Кўчаларда сархуш кездим шу оқшом,

Сайдини йўқотган сайёддек тамом.

Бу кеча олам ғарқ эди сувга,

Осмон ғарқ эди,

Замин ғарқ эди.

Мен-чи, сенинг номинг такрорлаб

Ташналикдан қуруқшаб лабим,

Сингиб борардим ёмғирларга.

## ДИЛ ЁНАДИР

Доғу аламингдан дам-бадам дил ёнадир,

Иқбол чўғи ёнмаса ҳам, дил ёнадир.

Ишқ-ла кўзимни очмагай эрдинг кошки,

Очилган кўзимда қатра нам, дил ёнадир.

Ғаму шоддигингдан лим-лим тўлди юрагим,

Гулдек очилиб, дур каби бўлди юрагим.

Ишқинг ўлмади, тирик ўлди юрагим,

Ўлган юрагим менга алам, дил ёнадир.

Кўйингда юрак қон ютар, қон беҳуда,

Муруввватингни санадим, сон беҳуда.

Топширдим муҳаббатингда жон беҳуда,

Жонсиз қолди, афсус, бу танам, дил ёнадир.

Тор келса агар ғаминг била кенг олам,

Сарсари кезиб оламан дафтару қалам.

Дафтару қаламдан оламан шунда алам,

Ҳайф кетди-я шу дафтар-қалам, дил ёнадир.

Тикан захмидин озор чекди-ю тан,

Озорим бўлиб, сўрмадинг бир ҳол мендан.

Бўлдинг менга олам, бўлмадинг лек яктан,

Чекса ҳам ҳасрат-алам, дил ёнадир.

Тилак Жўра таржималари

## ХОТИРА

Лабимда лабларингдан бўса-бўса хотира қолди,

Тилимда тилларингдан қисса-қисса хотира қолди.

Кўзларингга боқиб кўздан ёшлар тўкдим минг косалаб,

Ушбу ҳолдан кўзларимда коса-коса хотира қолди.

Йўлингда термулиб кечган зор-интизор онларимдан

Хотирам майсазорида майса-майса хотира қолди .

Ҳижронингда ёниб куйиб адо бўлган юрагимда,

Аламлардан асар бўлиб ғусса-ғусса хотира қолди.

Сени қўмсаб неча йиллар сарсон юриб ишқ даштида

Ҳориб толдим, вале, дилда ҳисса-ҳисса хотира қолди.

Хулоса, ул мўрча миён ҳамда ўтлуғ оғушингдан

Тамоми борлиғимда хоса-хоса хотира қолди.

Ҳасанбой Ғойиб таржимаси